Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 2 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 50 (6946)

Da'vat

Уқимай туриб, на бир санъат ва на бир донишмандликка етишиш мумкин.

Демокрит.

Ibrat

Яқинда Жиззах шаҳар болалар жамғармаси 40 нафар иқтидорли болаларни автобусда Хоразм воҳасига саёҳатга олиб борди. Уқувчилар қадимий обидалар, турли ёдгорликларга бой Хива шаҳрини томоша қилдилар. Эл ардоқлаган санъаткор Комилжон Отаниёзов музейини бориб кўрдилар.

БАРЧА МАКТАБЛАРИМИЗ КЎРКИ



Халқнинг ҳуқуқи ўз илкида эканлигини кўрсатувчи яна бир ҳужжат давлат герби ҳисобланади. Бундан роппароса 5 йил муқаддам, айнан мана шу кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида тасдиқланди.

Давлатимиз герби билан бирга давлат байроғи ва мадҳияси муҳрланган плакатлар ўтган йили «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган эди. Мазкур плакатлар республикамизнинг барча мактабларига кўрк бағишлаб турибди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Куни кеча Тошкент давлат педагогика институтида Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда институт профессор-ўқитувчилари, аспирантлар ва бир гуруҳ талабалар иштирок этдилар. Анжуманни институт ректори Б. Қодиров кириш сўзи билан очди.

Китобда илгари сурилган масалалар минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик каби барча масалалар тўғрисида проректор А. Қирғизбоев, институт проректори, педагогика фанлари доктори, профессор М. Тухтахўжаева, иқтисод фанлари номзоди, доцент У. Фозилхонов, фалсафа фанлари номзоди, доцент С. Валиевалар маъруза қилдилар.

Нодира ҚЎЛДОШЕВА.

Мустақиллигимиз шарофати ила кўп нарсалар ўзгарди. Энди биламизки, эришаётган ҳар бир ютуғимиз ўзимизники, қолаверса халқимизники. Яна бировлар бизнинг шаънимизни кўтармаслигини ва кўтара олмаслигини ҳам жуда яхши англаб етаяпмиз. Шундай

МИЛЛАТНИ ИСТЕЪДОДЛИ МУАЛЛИМЛАР ҲАМ ТАНИТАДИ

экан юртимиз довруғини дунёга ёйиш ўзимизга боғлиқ. Бу ҳар биримиз учун юксак шараф ҳисобланса-да, лекин бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Уни амалга ошириш ҳам фақатгина миллатимиз вояга етказаётган талантлар чекига ёзилган. Бизнинг вазифамиз эса имкон қадар уларни илғаб олиш ва миллат шаъни учун уларни шарафлаш.

Ана шундай талант соҳибларидан бири Равшан

(Давоми 4-бетда).

⊛ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Давлат матбуот қўмитаси вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар ҳамкорлигида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг янги лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида халқ хўжалигида ҳисоб-китобни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати, уларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Алишер Воҳидов Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили этиб тайинланди ва унга иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди.

⊛ Туркиянинг янги Бош вазири Месут Йилмаз ўз партияси аъзоларидан ташкил топган янги ҳукумат таркибини Президент Сулаймон Демирэлга тақдим этди.

⊛ Афғонистонда бўлган қуролли тўқнашувлар сабаб Туркманистонга қочиб ўтган тўқиз минг атрофидаги афғонларга халқаро Қизил хоч ташкилоти кундалик эҳтиёж моллари билан ёрдам кўрсатмоқда.

⊛ Москвада бўлиб ўтган Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва тожик муҳолифатчилари етакчиси Саид Абдулло Нурий ўртасидаги учрашувда Тожикистонда тинчлик ва яраш битими имзоланди.

Munosabat

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН БУРЧИНИ АНГЛАЙДИ

ёхуд ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир

Ҳар қандай жамиятда маълум бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш давомида турли хил силкинишлар, кўп ҳолларда бошбошдоқликлар юзага келади. Бу ҳолга асосан эски қонун, қоидаларнинг амалдан чиқиб, янгиларининг ҳали яратилмаганлиги сабаб бўлади. Мамлакатимизда эса бу даврнинг анча тинч, осойишта кечганлигининг сабаби эса ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ўз вақтида, изчил равишда халқ манфаатларига, замонавий талабларга жавоб берадиган Фармонлар ва қарорларнинг Олий Кенгаш томонидан эса ҳаётий зарур бўлган қонунларнинг қабул қилина борганлигидадир.

Бироқ ўнлаб йиллар давомида қонунлар «қонуншунослар» «изми»га буйсуниб келган жамиятда умр кечирган халқимиз онгига ҳуқуқ деган тушунчани сингдириш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ҳуқуқий демократик давлат қурилишида ва унда ижтимоий адолатни қарор топтиришда фуқароларимизнинг қанчалик даражада ҳуқуқий маълумотга эгалиги жуда аҳамиятлидир. Бу борада Президентимизнинг ҳар бир нуфузли йиғилишларда қуюниб гапиришлари ҳам шу боис. Яқинда Узбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳақида»ги Фармони чиқди.

Аввало Фармонда таъкидланганидек, аҳолининг ҳуқуқий ва маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақатгина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар мактабини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақаттина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар мактабини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақаттина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар мактабини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақаттина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар мактабини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақаттина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар мактабини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақаттина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар мактабини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб эътироф этилиши шуни курсатадики, ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қуламли ислоҳотларни амалга оширишда фақаттина ўз ҳақ-ҳуқуқларини билган, бурчларини англаб етган фуқарогина фаол булиши мумкин. Уларни шу даражага етказиш эса, ўз-ўзидан маълумки ҳуқуқшунослар зиммасидаги юксак вазифа бўлмоғи керак. Шу боис ҳуқуқшунослар ма-

ришларга муносабат билдиришга ундайди.

Халқимизда «Ҳалқ сўзи — ҳақ сўз» деган ибора бор. Азалдан аждодларимиз бирор бир юмуш қилмоқчи бўлса йиғилишиб, аввало маслаҳатлашиб олишган. Натижада фикр бир жойга тупланиб иш бошлаган. Бу тадбир замирида яна шундай ҳикмат борки: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар». Маслаҳат йиғилишлари эса уларни бирлаштиришга хизмат қилган. Республикамизда тузилажак «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази зиммасига ҳам айнан шу вазифа юкланган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга, жойларда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришларга фуқароларнинг фикрини, муносабатини билиш, таҳлил қилиш ва холис хулосани айтиш эса тараққиётимизнинг янада илдамлашишига ҳамда бу йўлда халқимизнинг бирдам бўлишини таъминлайди.

«Маърифат» шарҳловчиси.

МАРИЯ МОНТИССОРИ УСУЛИ

2-бет.

ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН

Республикамизда бозор иқтисодининг тезкор ривожланиши шароитида кадрлар тайёрлашга бўлган талабларнинг ўзгариши ва ошиши натижасида узлуксиз таълим тизимига ўтиш, уни доимий ривожлантириш зарурати туғилади. Халқ таълимини, шу билан бир қаторда бошланғич Ҳунар таълимини ислоҳ қилиш ,авваламбор, шахсни янги сифатларини шакллантиришга, шу билан ўқувчиларни доимо ўз билимларини янгилаш ва юксалтиришга, касбий таълим ва меҳнат фаолиятида ижодий қобилиятларини ўстиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Бозор иқтисодининг ривожланиши ишчи ва мутахассислар тайёрлаш даражасига, уларни касбий ўзгарувчанлиги ва тадбиркорлик қобилиятига юқори талаб қўяди. Бу бошланғич ҳунар таълими ўқув юртларининг ташкилий-иқтисодий ва мазмуний фаолиятларида сезиларли ўзгартиришлар қилишни талаб этади.

Бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бозор иқтисоди талабларини ва республика хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш ва бошланғич ҳунар таълимини ривожлантириш стратегияси олдига мутлақо янги вазифалар қўяди.

Бу вазифаларни счиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарур:

— ҳудудлар ва соҳаларда шаклланаётган бозор иқтисоди талабларини ҳисобга олган ҳолда ишчи ходимларга бўлган талабни илмий асосланган таҳлили йўқлиги;

— оталиқ ташкилотлари томонидан берилаётган моддий (дастгоҳ, асбоб-анжом, қурилиш ишлари, хом-ашё), ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини такомиллаштиришдаги ёрдам йўқотилганлиги.

Бу нарса сифатли кадрлар тайёрлашга таъсир этибгина қолмасдан, ўқув юртларини бозор талаблари асосида йўналишларини ўзгартиришга ҳам таъсир этади. Ўқув ишлаб чиқариш жараёнини тўла такомиллаштириш учун бугунги кунда ҳунар техника таълими ўқув юртларида, металлга ишлов берувчи 297 номдаги дастгоҳлар, 337 дона пайвандлаш анжомлари, 2,5 мингдан зиёд тикув анжомлари, 120 мингдан зиёд ёғоча ишлов берувчи дастгоҳлар, 200 га яқин ҳар хил турдаги автомобиллар, 300 та трактор ва комбайнлар, 264 комплект компьютер техникаси ва бошқа турдаги асбоб-анжомлар етишмайди.

Бундан ташқари мавжуд дастгоҳлар 60—70 йилларда ўрнатилган бўлиб, технологик жиҳатдан эскирган. Бу дастгоҳларда 4—6 даражали рақобатбардош ишчи ходимлар тайёрлаш мумкин эмас.

Бундан ташқари ўқув юртларида ишлаб чиқариш таълимини такомиллаштириш учун хом-ашё ва материаллар берилмаяпти:

— ўқув-методик таъминот етарли эмас;

— бошланғич ҳунар таълими учун ўқув юртларида муҳандис-педагог ходимлар тайёрлайдиган махсус факультетлар мавжуд эмас.

Бугунги кунда 70 фоиздан ортиқ ишлаб чиқариш таълими усталари олий махсус муҳандис-педагог маълумотига эга эмас:

— ишчи ходимлар тайёрлашда турли вазирликлар ишларини мувофиқлаштирувчи хизмат мавжуд эмас;

— ҳунар таълими мазмуни малакали ишчи ходимлар тайёрлашда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва демографик шароитларини, республика иқтисодини ривожлантиришни ва ҳудудлар меҳнат бозорлари талабларини тўла ҳисобга олмаган;

— мавжуд билим юртларида меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали (4—5 даража) ишчи ходимлар тайёрлаш ҳисобга олинмаган.

Бошланғич ҳунар таълими тизимини бозор ислоҳотлари талабларига тўғри келтириш мақсадида ўқув юртларини халқаро амалиётга асосан аттестация ва аккредитация қилиш йўли билан реструктуризация қилиш лозим.

Бошланғич ҳунар таълимининг асосий мақсади фуқароларни бепул ва мақбул бошланғич ҳунар таълими олиш ҳуқуқини таъминлаш, меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ҳунар таълимига бўлган талабини қондириш.

Бошланғич ҳунар таълимининг муҳим вазифаларига қуйидагиларни келтириш зарур:

(Давоми 2-бетда).

Ta'limda tadbirkorlik

МАКТАБНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

Яқинда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 24-ўрта мактабга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими, «Роҳат» фирмаси директори Нуриллохон Ҳожи Абдуллахон ўғли ташриф буюрди. Ишбилармон билан учрашув мактабда тадбиркорликни ривожлантириш учун туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди. Гап шундаки, Нуриллохон ҳожи томонидан мактабга совға қилинган бир бош соғин сигир ва иккита қўй ёрдамчи хўжалик ташкил этишга асос бўлди. Шундан бери мактаб директори, халқ маорифи аълочиси, Сотволди Пайғамов бу иш ривожига катта ҳисса қўшаётир. Ҳозирги кунда илм маскани хўжалигида тўрт бош соғин сигир, бир бош ғунажин, тўрт бош қўй, иккита қўзичоқ боқилмоқда.

Ўқув тажриба участкаси учун ажратилган бир гектар ерга буғдой экилиб, дони ўқитувчиларга арзон нархда сотилаяпти. Ёрдамчи хўжаликдан тушган даромад эса мактаб моддий базасининг ривожланишига сарфланмоқда.

Ҳурнисо ҚУРБОНОВА, Каримахон АБДУРАИМОВА, шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари.

Oltin yoz — o'tsin soz

ҚУВНА, ЯЙРА, ЁШ АВЛОД!

Хоразм вилояти ҳокими ва касаба уюшмалари кенгашининг 1997 йил 10 мартдаги қўшма қарори ва халқ таълими бошқармасининг режасига биноан, бу йилги ёзги мавсумда 92 та оромгоҳ фаолият кўрсатиши ва буларга 27695 нафар ўқувчи—ёшлар тортилиши режалаштирилган эди. Ҳозир бу оромгоҳлар дам олувчилар билан ганжум. Булардан ташқари, ҳар бир туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига ўқувчиларнинг таътил даврини мазмунли ташкил этиш вазифаси юклатилган. Қишлоқларда ҳамма болалар ҳам оромгоҳларга боравермайди. Шу мақсадда мактаб спорт майдончаларида оромгоҳлар ташкил қилиш, уларда фанларга қизиқувчан ва спортчи болалар билан машғулотлар уюштирилаяпти. Ҳозирча мактаблар қошида фақат машғулотлар ўтадиган 126 та оромгоҳга 6300 нафар, спорт соғломлаштириш оромгоҳининг 141 тасига 7050 нафар бола тортилган.

Фан олимпиадалари ва беллашувларда яхши кўрсаткичларга эришган ва алоҳида иқтидорли болалар учун вилоятнинг 8 жойида махсус оромгоҳлар ташкил қилинди. Бу оромгоҳларга жалб этилган 2000 нафардан зиёд ўқувчи турли фанлардан машғулотлар ўтадилар, компьютердан сабоқ олиб, хорижий тилларни ўрганадилар. Ўқитувчилар томонидан тузилган ва Давлат тест маркази томонидан чиқарилган тест саволлари улар ҳукмига ҳавола этилади.

Урганч туманидаги Чолим шаҳарчасида жойлашган «Коинот» дам олиш маскани тарбияси оғир болаларга мўлжалланган. Бу йилги ёзги мавсумда ҳам ушбу оромгоҳнинг биринчи навбатига 100 нафар бола жалб этилди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган, ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турган бундай болалар доимо назоратдалар. Уларни қайта тарбиялашда халқ таълими ходимларининг ҳам иштироки сезиларли бўлмоқда. Хайрли иш ўз самарасини беради. Утган 1996 йилда 1995 йилга нисбатан ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари 10 фоизга камайганлигини кузатдик.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг 25 апрель 1997 йил 43-а сонли буйруғига асосан оромгоҳларда ишловчи педагог ходимлар ва етакчи тарбиячилар учун педагог ходимлар малакасини ошириш институтида ўқиш ташкил қилинди. «Хумо» санаторий типидаги оромгоҳда вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда ўқув семинари ўтказилди ва халқ таълими бошқармаси томонидан тайёрланган методик тавсияномалар, қўлланмалар тарқатилди.

Хиванинг 2500 йиллиги олдидан ўқувчиларнинг саёҳатларини ташкил этиш мақсадида вилоят сайр ва саёҳатлар ташкилоти билан келишган ҳолда барча оромгоҳ ўқувчилари Хива шаҳрига навбатма-навбат олиб борилмоқда.

Б. ТИЛЛАЕВ, Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг етакчи мутахассиси.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЁШ ИХТИРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида яқинда Республика миқёсида ракетамоделчилар мусобақаси бўлиб ўтди. Бу мусобақада 12 та вилоят, Қорақалпоғистон республикаси ва қардош Қирғизистондан ташриф буюрган ёш ихтирочилар 4 йўналиш бўйича назарий ва амалий билимларини намойиш этишди.

Мусобақа якунига кўра умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Бухоро вилояти, 3-ўрин Самарқанд вилояти вакилларига насиб этди.

Йўналишлар бўйича шахсий биринчиликни эса Тимур Фатхуллин (Тошкент ш.), Тимур Усайнов (Бухоро вилояти), Руслан Тоҳиров (Андижон вилояти), Қаҳрамон Муҳиддинов (Тошкент ш.) қўлга киритишди.

Ғолиблар Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Л. ТЎХТАЕВА.

МИЛЛАТ ҚАДРИЯТЛАРИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Юқори Чирчиқ тумани маданият уйи ходимлари ҳам миллий анъаналаримизни тиклашда ўзларининг муносиб улушларини қўшаётганлигидан мамнун. Бу масканда куни кеча яна бир тадбир бўлиб ўтди. Яъни туман маданият ишлари бўлими, халқ таълими бўлими, «Камолот» жамғармаси ҳамкорлиқда «Миллий урф-одатларимизни ўрганамиз» мавзуида кўрик-танлов ўтказди.

Унда туманнинг 6, 7, 10, 34-мактаб ўқувчилари «Келин салом», «Совчилик», «Бешик тўйи», «Уй юмушлари» шартлари бўйича маҳоратларини, дид-фаросатларини ва номи қайд этилган анъаналарининг жамиятимиздаги ўрнини, қолаверса уларга қанчалик амал қилинаётганлигини намойиш қилиб беришди.

10 ва 34-мактаб ўқувчилари танлов ғолиби бўлишди.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

БОЛА АЗИЗ

Мамлакатимиз маърифатнинг фаол тарғиботчиси бўлган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни раҳбарияти ва қасаба уюшмаси қўмитаси ҳам болаларнинг ёз фаслини мароқли ўтказишлари учун катта ишларни амалга оширяпти.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли айни дамларда сўлим Бўстонлиқ туманидаги Гагарин номли, «Ўрта қўрғон» оромгоҳлари матбаачилар ва журналистларнинг болалари билан гавжум.

Ирода ПЎЛАТОВА.

БИРИНЧИ БЎЛИШДИ

Ҳа. Ҳақберди Исмадиёр ўғли номли 3-ўрта мактаб жамоаси мактабни тўлиқ таъмирлаб, янги ўқув йилига шай қилиб қўйишда Баҳористон туманида биринчи бўлишди.

Бу ишни қойилмақом қилиб уддалашда ота-оналарнинг кўмаги ҳамда 29-жамоа хўжалигининг бевосита ёрдами анча қўл келди.

Асрор ҚИЛИЧЕВ.

Maktabgacha tarbiya

МАРИЯ МОНТИССОРИ УСУЛИ

Самарқандда «Мактабгача тарбия муассасаларда илғор чет эл педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш» мавзуида республика семинри бўлиб ўтди. Семинарга барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридаги мактабгача муассасалар ходимлари таклиф қилинди. Улар Германиядан ташриф буюрган меҳмон — Мария Монтиссори методикасининг тарғиботчиси Херберт Лангвальд билан учрашдилар. Херберт Лангвальд раҳбарлик қилаётган коллежда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган кичкинтойлар қатнайдиган 120 та болалар боғчаси фаолият кўрсатади. Уларнинг барчаси Монтиссори системаси бўйича ишламоқдалар.

Монтиссори яратган методиканинг асосий принципи — ҳиссиёт, қалбни тарбиялаш, методика ва сенсорика, ёзиш, ўқиш ва ҳисоблаш янгиликларини ишлаб чиқишдир. У шаклланаётган болада катта ички яратувчи куч мавжуд эканлигини кўра олди. Педагогнинг диққат марказида болада мавжуд бўлган индивидуал ва ижтимоий-ҳиссий эҳтиёж туради. Мария Монтиссори методикасининг асосий шиори — «Буни ўзим қилишимга ёрдам бер» дея бола педагогга мурожаат қилади.

Семинар иштирокчилари Монтиссори методикаси бўйича иш юритаётган қатор болалар боғчалари, шунингдек, Боғишамол туманидаги Самарқанд химия заводига қарашли 81-ясли-боғчага ташриф буюрдилар. Уч кун давом этган семинардан унинг иштирокчилари илғор чет эл педагогик технологияси бўйича кенг билимга эга бўлдилар.

— Болалар боғчамиз асосан 280 ўринга мўлжалланган, — дейди семинар қатнашчиси, Андижон шаҳридаги 41-болалар боғчаси мудираси Одина Нурматова. — 2 та тажриба гуруҳимиз мавжуд. Уларнинг тарбиячилари махсус курсдан ўтишган. Жами 12 та гуруҳимизнинг ярмини Монтиссори методикасига ўтказмоқчимиз. Лекин миллийликни сақлаб, ижодий ёндашган ҳолда ундан фойдаланишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, семинарда Наманган вилоят педагогик ходимлари малакасини ошириш институти мактабгача тарбия бўлими мудири Мамлакатхон Ҳусанова, Андижон вилоят педагогик ходимлари малакасини ошириш институти мактабгача тарбия бўлими мудири Мамлакатхон Абдурахмонова, Тошкент шаҳридаги 506-болалар боғчаси мудираси Гавҳар Азизовалар сўзга чиқишиб, болалар боғчаларида Монтиссори методикасини қўллаётганликлари ва у яхши натижалар бераётгани, маҳаллий шароитлар ҳам ҳисобга олинган ва миллийликни сақлаган ҳолда ижодий ёндашиб амалга ошираётганликларини баён қилдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Мустақиллик шарофати туфайли педагогларимиз, жумладан мактабгача тарбия муассасалар ходимларимизнинг илғор педагогик технологиялар билан танишиш ва амалиётда татбиқ этишга қулай имконият яратилганлигидан ғоят мамнунман. Бундай тадбирлар шунингдек, Тошкентда ҳамда Бухорода ҳам ўтказилган. Улар келажак учун зарур ва фойдали бўлиб, мактабгача мутахассислар дунёқарашини сезиларли даражада кенгайтириб, уларнинг профессионал билимини оширади. Бу эса айни вақтда асосий мақсадимиз. ХТВ педагогларнинг илғор чет эл педагогик технологиялари билан танишишга қизиқади ва бундан кейин ҳам ана шу йўналишдаги тадбирларни давом эттиришда фаоллик кўрсатади.

Анжуман иштирокчилари ҳамда меҳмонлар қадимий ва қўҳна Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликларини томоша қилдилар.

Мухбиримиз.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани кутубхонаси ходимлари фақат мактаб ўқувчиларигагина эмас, балки катта ёшдаги китобхонларга ҳам намунали хизмат кўрсатаётир. Кутубхонадаги китоблар турли мавзуларни қамраб олганлиги боис ёзги таътил бўлишига қарамай бу ердан ўқувчилар кети узилмайди. Қувонарлиси, кутубхонада китобхонлар билан қизиқарли учрашувлар, янги китоблар бўйича баҳс-мунозаралар ўтказиш анъанага айланган.

СУРАТЛАРДА:

- **Ўғил-қизлар туман кутубхонасида китоб танлашяпти.**
- **«Эртаклар олами»га саёҳат мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади.**

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Huquqiy bilimlarni o'rganamiz

БУНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

ФАРМОН — айрим мамлакатларда, жумладан: Узбекистонда давлат бошлиғи — Президент қабул қиладиган ҳужжатнинг номи. Узбекистон Республикаси Президенти ўзига тегишли ваколатлар юзасидан фармонлар чиқаради. Фармон қонундан кейинги юқори юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти янги марказий органлар тузса ёки уларни бекор қилса, марказий органлар раҳбарларини лавозимга тайинласа, лавозимдан озод қилса, чет мамлакатларга дипломатлар тайинласа, фуқароларни орден-медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотласа, амнистия (умумий афв) эълон қилса ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда фармон чиқаради.

ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТ — давлат тузилишининг мураккаб шакли. Федератив давлат — маълум сиёсий мустақилликка ва давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат таркибига кирувчи миллий ва худудий тузилмалар, федерация субъектлари деб аталиб, улар турли ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Федератив давлат миллий ёки худудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари республика, вилоят, ўлка Россияда, штат АҚШ ва Ҳиндистонда, ерлар Германияда деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фуқаролик бўлади.

ФУҚАРО — шахснинг ҳуқуқий асослар орқали маълум давлатга мансублиги. Шахс, фуқаро ҳисобланса, маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ҳамда бурчларни бажаришга мажбур бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати тегишли мамлакатда, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёки хорижий мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади. Масалан: сиёсий ҳуқуқлар фақат фуқароларга тааллуқли бўлади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ — фуқароларнинг халқ ҳокимиятини амалга ошириши давлат ва жамият ишларида иштирок этиши воситаларидан биридир. Узбекистонда фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари, фуқароларнинг (аҳолининг) йиғинлари ҳисобланади. Узини ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ, овулларда, уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ташкил қилинади. Шу ердаги аҳоли ўз йиғинларида икки ярим йил муддатга Раисни (оқсоқолни) сайлаб қўяди. Улар доимий ишловчи узини ўзи бошқарув органларидир. Фуқаролар йиғини ёки уларнинг вакиллари йиғилишида, шу ерда истиқомат қилувчи 18 ёшга етган барча фуқаролар иштирок этиши мумкин. Узини ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби, вазифаси, ваколатлари 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

ФУҚАРОЛИК — маълум шахснинг маълум бир давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқа ўрнатиши. Шахс фуқароликка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади, уларни амалга оширишини таъминлаш чораларини кўради. Фуқароларнинг манфаатини давлат, у хорижий давлат ҳудудида турган вақтда ҳам ҳимоя қилади. Ўз навбатида фуқаролар давлат ва жамият олдида лозим бўлган бурчларни бажарадилар. Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган, яъни Узбекистон фуқаролари бир вақтнинг ўзида бошқа мамлакатларнинг фуқароси бўлиши мумкин эмас.

Давлат ва ҳуқуқ асослари (изоҳли луғат) китобидан олинди.

Давоми бор.

Bolalar maskani

«ИҚБОЛ»НИНГ ИҚБОЛЛАРИ

Арофатхон Бойқўзиева қарийб 19 йилдан буён Ўзбекистон тумани Нурсух қишлоқ кенгашидаги «Иқбол» болалар боғчасига раҳбарлик қилиб келаётир. Жамоа хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин раҳбарнинг салоҳияти, ишбилармонлиги ҳамда ўз ходимларига бўлган юксак эътибори — меҳнат жамоаси ютуқларининг бош мезонидир. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида тадбиркор раҳбарнинг ўрни «ярқ» этиб намоён бўлмоқда.

Арофатхон опа ана шундай изланувчан, тиниб-тинчимас мудиралардан. «Иқбол» болалар масканидаги мавжуд 14 нафар тарбиячининг кичкинтойларга хуш муомалада бўлиши, меҳнат интизомига риоя этиши, кунлик машғулотларни ижодий, қизиқарли ўтказишга эришиши мудиранинг қатъий назоратидан ҳоли қолмайди. Шунинг учун ҳам боғча жамоаси «Соғломжонполвонжон», «Йилнинг энг яхши тарбиячиси», «Ширинтой», «Қўғирчоғим — дўмбоғим» каби кўрик-танлов, баҳсларда Ўзбекистон туманидаги 30 та мактабгача тарбия муассасалар даврасида ғолиблар сафидадир.

8 гуруҳда 155 нафар ширинтой камол топаётган тарбия маскани ҳовлисига ташриф буюрар экансиз, ўзингизни шинам, сеҳрли эртаклар оламига кириб қолгандек сезасиз. Турли эртаклар акс этган полотнотасвирлар, кўргазмалар, анвойи гуллар, ранг-баранг жиҳозлар замонавий мусиқа зали киши кўнглини қувонтиради.

— **Боғчада ҳомийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Айниқса, «Шорсув» кўрғонидаги «Бунёдкор» ҳиссадорлик жамияти раиси Саъдуллажон Турсунов жонкуяр, болажон ҳомийларидан. Унинг ташаббуси билан гуруҳ хоналари, иситиш қозони сифатли таъмирланди. Яна яқин кунларда боғчамизни газлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун замонавий омборхона қуриш ҳамда машғулот ўтказиш учун қўшимча учта хона бунёд этишни раис ўз зиммасига олган,** — дейди биз билан суҳбатда мудира А. Бойқўзиева.

Мавжуд қўшимча имкониятлардан оқилона фойдаланмоқ баъзи иқтисодий жумбоқларни ҳал этишда муҳим омил эканлигини ҳис этган боғча жамоаси 70 сотих ер майдонни мевазор боғга айлантиришди. Меҳр билан етиштирилаётган ширин-шакар мевалардан кичкинтойлар йил давомида баҳраманд бўлмоқда.

Жонкуяр тарбиячилар учун болаларни мактабга тайёрлаш асосий вазифалардандир. Бу борада боғчанинг ён-атрофидаги А. Темур номли, Фурқат номли мактабларнинг муаллимлари билан ҳамкорлик асосида тайёрлов гуруҳидаги 21 болага лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўргатиб борилмоқда.

ФАРҒОНАДА БИТТАГИНА

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни саводга ўргатиш дастури асосида тарбия бераётган Шаҳзодахон Тожиева, Майнахон Абуллазова, Турғуной Отабоева, Мақсудахон Аҳмаджонова каби изланувчан, зукко тарбиячилар бу масканда анчагина.

Ҳа, Шаҳзодахон 1995 йилдан мураббия бўлиб ишлай бошлаган бўлса-да, у билимдон, тиниб-тинчимаслиги билан ҳамкасблари нигоҳида ижодкор-ғайратли тарбиячи сифатида намоён бўлди. Ҳозирда унинг учун «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастури замирида болаларга миллий, шарқона тарбия бериш, бой маънавий қадриятларни эъзозлаш, она-Ватанга муҳаббат руҳини тўла шакллантириш етакчи мақсаддир. Шунингдек, маҳаллалардаги айрим кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандларига ҳафтада икки кун «Лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси»дан сабоқ беришдек хайрли ишда ҳам Ш. Тожиева бош-қошдир.

Болаларни жисмоний, ақлий камолоти йўлида «Ўйла, изла, топ», «Эртаклар оламига саёҳат», «Биз мактабга борамиз», «Бадиий викторина» каби педагогик усуллардан ижодий, моҳирона фойдалана олган Шаҳзода Тожиева болаларнинг қувноқ кайфиятда бўлишига эришаётир.

Шаҳзодахонга Фарғона вилояти «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида қатнашмоқ насиб этганда, ундаги зукколик, ижодкорлик қирралари яна бир бор намоён бўлди. Кўрик-танловда «Компьютер сабоғи», «Тест саволлари», «Касбим-фахрим», «Психологик вазият» каби мавзулар асосида баҳслашган 19 нафар тарбиячилар даврасидан «Иқбол»нинг тарбиячиси Шаҳзодахон Тожиева «Фарғонада биттагина тарбиячи» дея сараланиб, у Республика «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида қатнашмоқ ҳуқуқига сазовор бўлди.

Мўйдинжон ХОЛМАТОВ, журналист.

МИЛЛИЙ ДАСТУР МАВЗУИДА

Яқинда 1-Тошкент Педагогика билим юртида Миллий дастур ва таълим тўғрисидаги қонун юзасидан конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Республика Халқ таълими вазирлиги, педагогик таълим ва фан Бош бошқармаси бошлиғи М. Яҳеев кириш сўзи билан очиб, ўқув-тарбия жараёнида демократик тамойилларни, соҳанинг замонавий моддий-техника базасини яратиш каби таълим тизимининг долзарб муаммолари ҳақида гапирди.

Конференция қатнашчилари ўрта махсус таълим истиқболлари, таълим мазмунини такомиллаштириш, ҳуқуқий муаммолар ва болаларни 6 ёшдан ўқишга қабул қилиш масалалари юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Конференция ишида ушбу билим маскани директори М. Исломова, ўқитувчилар жамоаси, шунингдек Тошкент ИПТ, 2-Тошкент педагогика билим юрти, Ю. Ражабий номидаги Тошкент вилоят мусиқа билим юрти ўқитувчилари иштирок этишди.

А. АБДУРАҲМОН.

Tajriba, sinov, natija

КОМПЬЮТЕР ФИКРЛАШГА УНДАЙДИ

Ёшларимиз жаҳон миқёсида билим даражасига эга бўлиш учун бугунги кунда албатта бирор хорижий тилни, ўз она тилисини мукаммал билган ҳолда эгаллаб олиши билан бир қаторда компьютер саводхонлигидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Шуни назарда тутган ҳолда ўрта мактабда ўқиётган фарзандларимизга компьютер саводхонлигини ўлатўқис ўргатиш мақсадида юқори синфларда Информатика синфлари очиш мақсадга мувофиқ. Менинг бу таклифимни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактаб директори Назирахон Аҳмедова бажонидил қабул қилиб тезда Низом ишлаб чиқишни таклиф қилдилар. Биз техника фанлари доктори, профессор Абдуҳамид Сиддиқов билан биргаликда лицей мақомини олган синфларда информатикани ўқитиш максимум ва минимум дастурлари билан танишиб, таҳлил қилиб Информатика лицейи Низомини ишлаб чиқиб, уни халқ таълими вазирлиги қошидаги услубий ҳайъат муҳокамаларидан ўтказдик. Утган ўқув йилида 10-синфлардан бирига ўқувчилар қабул қилдик (бу синфдаги ўқувчилар шаҳримизнинг турли мактабларидан келган). Ташкил қилган синфдаги ўқувчиларимиз билимини математика фани бўйича ҳам текширишдан ўтказдик. Кўпгина ўқувчилар математикадан жуда бўш эканлиги маълум бўлиб қолди. Шуни эътиборга олиб математика фанини ҳам узимиз ўқитишга киришдик. Шундай қилиб математикани профессор Абдуҳамид Сиддиқов ва информатикани мен биргаликда ўқита бошладик.

Даставвал синфда 30 ўқувчи бор эди. Ўқув йилининг биринчи чораги давомидаёқ ўтказилган рейтинг (жорий ва оралиқ рейтинг) натижасига кўра 8 ўқувчини бошқа синфларга ўтказиб ўқитишни тавсия қилдик. Чунки уларда компьютер сирларини ўрганишга қунт ва чидам етишмаслиги аён бўлиб қолди. Информатика фанини ўқитиш, менинг назаримда, бошқа фанларни ўқитишга нисбатан фарқли томони шундаки, маърузалар амалий машғулот билан (компьютерда олиб бориладиган) якунланиши мақсадга мувофиқ бўлиши ҳамда ўқувчиларимизнинг компьютерда мустақил ишлашлари учун ҳам вақт ажратилмоғи зарур. Ана шундагина компьютерда мустақил ишлай олиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, математика фанидан ўтилган дарслар асосида ечиладиган мисол ва масалаларни компьютерда ҳал қилиш айни муддаодир. Биз ана шу принцип асосида дарс беришни мўлжалладик, натижаси ёмон бўлмади. Демак, компьютер ёрдамида ҳам матнли, ҳам белгили (математик мисол ва масалалар) ҳам шаклли ахборотлар қайта ишланиши ва керакли натижалар берар экан. Бу йўл билан биз ўқувчиларимизни кўпроқ мантиқий фикрлашга ўргата бошладик. Чунки мантиқий фикрлашни тўғри ташкил қилиш жараёнида масаланинг ечими тез ва аниқ ҳал бўлади. Бу давр тақазосидир. Учинчи чорак якунидаёқ ўқувчилар ўз билимларини тест йўли билан компьютер ёрдамида баҳолай олиш имконига эга бўлишди. Ўтилган ҳар бир дарсга тест саволлари тузишди ва уларга тўғри жавобни ҳам ўзлари ишлаб чиқишди. Натижада компьютер хотирасида автоматлаштирилган ўқув курслари ташкил қилинди ва бу кўрслар нафақат информатика фани мактабда ўтиладиган бошқа фанларга ҳам тадбиқ қилина бошланди. Хуллас, автоматлаштирилган қутубхонани асосий мақсад қилиб олишди.

Ҳабиба ИКРОМОВА, техника фанлари доктори, профессор.

ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН

(Боши 1-бетда).

1. Бошланғич ҳунар таълими олишда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш 10 синфда ўқишни хоҳламаган барча 9 синф битирувчиларини ҳунар таълими билан қамраб олиш.

2. Ҳудуд ва соҳалар бўйича меҳнат бозорининг ишчиларга бўлган талаби юқори малакали ишчи ходимлар ва мутахассислар тайёрлаш.

3. Ҳар хил турдаги (давлат, нодавлат) ҳунар таълими ўқув юртларини ўз ичига олган узлуксиз бошланғич ҳунар таълими тизимини шакллантириш.

Иқтисоддаги, меҳнат бозоридаги ўзгаришлар ижтимоий ҳимоя механизмларида иқтисод соҳаларидаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга янгича ёндошишни, бозор шароитларида бошланғич ҳунар таълими ўз ўрнини топиб кетишини ва ҳудудий меҳнат бозорлари талабларини қондиришни кучайтиришни талаб қилади. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 9-синф битирувчиларининг 70 фоизи бошланғич ҳунар таълими билан қамраб олинади.

Меҳнат бозори ривожланишидаги устувор йўналишлар ва анъаналарни, турли ишлаб чиқариш соҳалари тузилишларидаги техник-технологик ўзгаришларни ўрганиш мақсадида 1997-1998 йиллар мобайнида Истиқболни белгилаш Давлат қўмитаси қошида, ҳудудлар ва соҳалар бўйича ишчи ходимларга бўлган талабни аниқлаш учун доимий фаолият кўрсатувчи хизмат идораси ташкил қилиш зарур.

Ёшларни, ҳамда меҳнат биржаларида ҳисобда турган меҳнатга лаёқатли аҳолини (1997-2005 йиллар) самарали банд қилиш мақсад ва принципларига мувофиқ дидактик бирликка риоя қилган ҳолда, республикани муайян ижтимоий, иқтисодий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олиб бошланғич ҳунар таълимини ривожлантириш бўйича иш давом эттирилади.

Келажакда бошланғич ҳунар таълимини янги ташкилий шакллари ривож топади. Анъанавий ўқитилаётган 3 йиллик (касб эгаллаш билан бир қаторда ўрта маълумот оладиган), 1 йиллик (ўрта маълумот негизида фақат касб эгаллайдиган) гуруҳлар билан бир қаторда асосий эътибор узлуксиз кўпбосқичли ҳунар таълими моделига қаратилади.

Ўқитишнинг бу шакли 2 хилда амалга оширилади:

— биринчи босқичда олинган ишчи касби йўналиши бўйича, иккинчи босқичда ўрта махсус маълумот олиш;

— танланган касб бўйича босқичма-босқич юқори (4—5 даража) малака олиш.

Бундан ташқари аттестация ва аккредитация натижаларига асосан кўпчилик техникумлар ҳунар мактабларига айлантирилади.

Барча турдаги ўқув юртлари ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан бир қаторда ўрта маълумот ҳам беради.

3. Дидактик материаллар ва ўқитишнинг техник воситалари.

Касблар бўйича амалдаги меъёрномаларга асосан бу учта компонент билан барча билим юртлари таъминланган бўлиши керак.

Ўқув жараёнини ўз вақтида кўргазмали қуроллар, ўқитишнинг техник ва бошқа воситалари билан таъминлаш учун республикадаги битта корхона негизида бу воситаларни чиқарадиган махсус бўлинма ташкил қилиш зарур.

Бошланғич ҳунар таълими соҳасини ислоҳ қилишни илмий изланиш бўйича устувор йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

— бошланғич ҳунар таълимининг ривожланишини илмий асосланган истиқболини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

— ишчи ходимлар тайёрлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари ва мезонларини аниқлаш;

— янги педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш;

— барча йўналишлар бўйича ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқиш;

— янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш.

Ёшларни касб-ҳунар таълими билан тўла қамраб олиш ва рақобатбардош ишчи ходимлар тайёрлаш учун ўқув-моддий негизни кенгайтириш керак.

Бунинг учун 2000 йилгача қурилиши тугалланиши режалаштирилган 24 касб-ҳунар таълими ўқув юрти биносини қурилишини тугаллаш, 2000 йиллан бошлаб, мослаштирилган биноларда жойлашган 27 касб-ҳунар таълими ўқув юртига янги бинолар қуришни бошлаш керак.

Ўқув юртларда мавжуд дастгоҳлар, жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа нарсалар сонини меъёрнома талабларига етказиш зарур.

Ишлаб-чиқариш таълими усталарини тайёрлаш 2 та индустриал педагогик техникумлар негизида, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича махсус фан ўқитувчиларини тайёрлаш эса фақат ТИИМСХ институтида (йилига 1 гуруҳ) амалга оширилади, бу эса бугунги кунда етарли эмас.

Бу муаммони ечиш учун техник ОУЮларида муҳандис-педагог тайёрлайдиган факультетларни очиш ва бугунги кунда техник ОУЮларида таълим олаётган педагогик маҳорати бўлган талабалардан махсус гуруҳлар ташкил этиб, уларга психология ва педагогика асосларини ўрғаттан ҳолда касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ва техникумлар учун муҳандис-педагог ходимлар тайёрлаш зарур.

Муҳандис педагог ходимларни малакасини ошириш Республика ҳунар таълими ходимларини малака ошириш институтида амалга оширилади. Янги таълим стандартлари талаблари бўйича ишлаш учун бошланғич ҳунар таълим муҳандис-педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва касб-ҳунар таълими ўқув юртлари учун муҳандис-педагог тайёрлайдиган ОУЮлари ўқув режаларига ўзгартиришлар киритиш керак.

Бошланғич ҳунар таълими бошқариш 3 даражага бўлинади: Республика, ҳудудлар ва ўқув юрти даражаси. Ҳар бир даражани ўзига хос белгиланган вазифалари, масъулияти ва йўналишлари мавжуд.

Бошланғич ҳунар таълимини молия-иқтисодий таъминоти қўйидагиларни назарда тутади:

— таълим муассасаларига бюджетдан алоҳида бандлар бўйича харажатлар ажратишдан, меъёрлар бўйича молиялаштиришга ўтишни амалга оширишни;

— аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва корхоналар билан шартномалар асосида пуллик ишларни амалга оширишни ривожлантиришни;

— бошланғич ҳунар таълими ўқув юртларида молия ва хўжалик ишларини юритишда уларга кўпроқ эркинлик беришни;

— муҳандис-педагог ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш орасидаги боғлиқликни кучайтириш учун муассасаларни ижтимоий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш фондлари миқдорини ҳамда ходимлар иш ҳақини уларни самарали ва сифатли ишига қараб белгилашни.

Ҳунар техника таълимини, молиялаш, рағбатлантириш ва ресурслар билан таъминлаш тизимини, такомиллаштириш ўчун ўқув юртларида кўпканаллик ва кўпдаражалик бюджетдан ташқари молиялаштириш схемасини қўллаш; ҳунар таълими учун ижтимоий партнерлар ва иш берувчилар маблағидан фойдаланиш ва фуқаролар ҳисобидан қисман пул тўлаб ўқишни ташкил этиш; касб-ҳунар таълимига муҳтож бўлган айрим тоифадаги фуқароларни ҳимоя қилиш (етим, нуқсонли ва ҳ.к.); ҳунар техника таълими ходимлари ойлик маошларини йўналиши бўйича соҳалардаги ўртача ойлик маошга тенг қилиб белгилаш кўзда тутилган.

Бошланғич ҳунар таълимини ривожлантириш молия-иқтисод дастури яна қўйидагиларни кўзда тутиши керак:

— ҳомийлар (инвесторлар) учун имтиёзли солиқлар тизимини ташкил қилиш;

— таълим эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар солиқ имтиёзларини бериш;

— касб-ҳунар таълими ўқув юртлари муҳандис-педагог ходимлари ва ўқувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун бир қатор тадбирлар ва рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш;

— қобилиятли ўқувчилар учун қўшимча имтиёзлар ва стипендиялар белгилаш;

— таълим эҳтиёжлари учун маблағ ажратишни турли тизимларини ишлаб чиқиш;

— таълим стандартлари асосида ўқитиш сифатини таъминлаш мақсадида нодавлат ўқув юртларида таълим учун ажратилган молия кўрсаткичларини бажарилишини назорат қилиш;

— таълим соҳаси учун имтиёзли давлат маблағини олиш тизимини ишлаб чиқиш;

— инсонпарварлик ғояларини таълимга олиб кирувчи давлат дастурларини биринчи навбатда маблағлаш;

— ўқув юртлари биноларини таъмирлашни биринчи навбатда маблағлаш;

— ўқув юртларининг маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур буладиган қурилишларига, илмий-техник ва ижтимоий усиши учун зарур бўлган ишларга имтиёзли маблағлар ажратиш;

— таълим соҳаси учун ўқув ва илмий-ишлаб чиқариш бинолари, ётоқхона, ижтимоий инфратизим қурилишларига, дастгоҳ сотиб олишга, илмий текшириш ишларига, ўқитувчиларни малакасини оширишга қаратилган корхоналар маблағларини бир қисмини солиқдан озод қилиш;

— ўқув юртлари тадбиркорлик ишларини фойда солиғидан озод қилиш.

Халқаро ҳамкорлик йўналишида қўйидагиларни амалга ошириш керак:

— бошланғич ҳунар таълими илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамкорлик лойиҳасини яратиш;

— рақобатбардош ишчи ходимлар ва мутахассислар тайёрлашда чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва қўллаш;

— чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда мавжуд ва қурилаётган қўшма корхоналар учун ишчи ходимлар ва мутахассислар тайёрлаш мақсадида марказлар очиш;

— касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ходимларини чет элларда малакасини ошириш;

— ҳамкорликда бошланғич ҳунар таълими ўқув юртларини ташкил қилиш бўйича лойиҳалар тузиш;

— қобилиятли болаларни чет элларда ўқитишни ташкиллаштириш.

Ўткир РАУПОВ, ЎзРХТВ ҳунар таълими Бош бошқармаси бошлиғи.

«ЗИЁ ЧАШМАСИ»

Не бахтки, халқимиз — ижодкор халқ. Мозий ёхуд яқин ўтмишда ҳам ижод булоқлари кўз очиб, шарқираб ва симсим оқиб, жилғалардан дарё, дарёлардан эса уммон ҳосил қилганидек, бугунги кунда ҳам бундай чашмалар жўшқинлик касб этаётганлиги, янги-янги тўлқинлар мавж ураётганлиги рост.

Мана, мисол: яқинда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида ижодкор ўқитувчиларнинг уюшмаси — «Зиё чашмаси» таъсис этилди. Мазкур уюшманинг илк қадамидан маълум бўлдики, унинг йўли ойдин, истиқболи зиёли — қуёшлай ёруғ. Туман халқ таълими бўлимида «Зиё чашмаси» иштирокчиларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Шеърларга шеърлар уланиб кетди. Ижодкор ўқитувчиларнинг бири қўйиб иккинчиси ўз ижод машқларидан эҳтиросли сатрларни муҳлислар эътиборига ҳавола этишди. Ҳикоялардан намуналар ўқилди.

Ижодкор ўқитувчиларнинг бу биринчи йиғилишида туман марказидаги 8-ўрта мактаб директори, шоир Тошпулат Мавлонов уюшма раиси, туман халқ таълими бўлимининг услубчиси Шаҳриддин Умиров раиснинг ёрдамчиси этиб сайландилар.

— «Зиё чашмаси» — ўз номи билан кўнгилларга нур ва сурур бағишлаши шубҳасиз, — дейди уюшма раиси Т. Мавлонов. — Ҳозирдан бунга тўла ишонч ҳосил қилаяпмиз. «Зиё чашмаси» деб номланган деворий газетамиз ҳар ойда фаолиятимизни нақ кўзгу бўлиб, ёритиб боради. Илло, ниятларимиз ҳам «Зиё чашмаси»нинг нурларидек нурафшон...

Абдулла ТУРДИЕЕВ.

ЯШАШДАН КЕЧИКМА...

(Очерк)

Манглайида шуъла ўйнарди. Юзлари тиниқ, сочлари силлиқ эди. Кулиб гапирарди, «чертиб-чертиб», топиб гапирарди. Шакаргуфтор эди. У билан қўпроқ «Мамажон Абдурасулов мактаби» — 41-мактабда учрашишга тўғри келарди. Устознинг Халқ ўқитувчиси унвонига тавсия этилганини эшитиб қолдик. Барибир озроқ ҳадигимиз бор эди.

— Унвон тезроқ берилармикин? — ўсмоқчилаб сўрадик Турдиали акадан.

— Берилади.

— Узбекнинг ўзига хос ифтихорига айланади ҳали устоз. Шаҳрихон номини оламга ёяди, — дейишарди ҳамкасблари.

Унинг ҳаётидаги кўп воқеалар ривоятларга, ҳикояларга айланиб кетган аллақачон.

Ўқитувчи йигит ўз куч-қувватидан мақтанди:

— Бир урсам ҳар қандай одамнинг сурати устунга чиқади, — деди.

Тасодифан буни Турдиали ака эшитиб қолди.

— Чиранма, ғоз, — деди. — Муаллим билакка эмас, заковатга ишониши керак. Узингга бошқа касб қидир. Эпласанг, босқинчи бўл. Яшашга кечикма...

Боғ қарови сустроқ эди. Ажриқ босганди. Боғбон ҳафсала билан, майдалаб «Абдураҳмон чопиқ» қилди. Ажриқ томирларини битталаб терди. Ажриқдан нишон қолмади. Боғ яйраб кетди. Устоз ҳавасманд бўлди.

— Бизга, меҳнат таълими ўқитувчилигига ўтинг, — деди. — Бир кучингиз юз бўлади. Болалар ҳам яйраб қолади.

Кўндирди.

Пифагордан сўрабдилар: «Пифагор, сен донишмандмисан?». Мутафаккир жавоб этибди: «Йўқ, донишманд эмасман. Мен фақат донишмандликни севгувчиман, яъни файласуфман, холос».

— Муаллим, энг аввало файласуф бўлиши — фалсафий қарашлари собит бўлиши зарур, — деганлари ёдимда. — Мен тарбияни шундай тушунаман: тарбия сайқалдир, муаллим кўнгил сайқалчисидир.

***

Тошкент. Ётоқхона. Уғли Баҳромиддин университетнинг биология-тупроқшунослик қуллиётида ўқирди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган.

— Дада, нега ухламяпсиз?

— Ўртоғинг келмаяпти. Темирхон ака катта муаллим. Уғлини кўриб кетмасам бўлмайди.

Ана шундай одамшавандалиги бор эди унинг.

Кутилаётган йигит эса ҳозирда олим Жаҳонгирхон Тўра Сиддиқов эди. Турдиали ака қайси шаҳарга йўли тушса, ўқиётганлар ҳолидан хабар олишни канда қилмасди.

Бир гал машинада ўтиб кетаркан тўхтаб, ортига қайтариб, икки нуроний билан қуюқ сўрашди, камоли эҳтиром кўрсатди.

— Шу азизларга ҳавасланиб муаллим бўлганман, — деб кулди. Улар ҳаммаҳаллалари Омонбой Болтабоев ва Деҳқонбой Ҳамроқулов эдилар.

Турдиали ёшликдан закий, зийрак, қизиқувчан бўлди.

«Тарих ҳаёт дарахтининг илдизларидир, бу илдизларни ўрганмай туриб, ҳаёт моҳиятини англаш мушкул», — дейишни яхши кўрарди. Билмаганларини билганлардан ҳеч иккиланмай сўрарди:

— Аждодларимиз кимлар?

— Нега қишлоғимизнинг номи Сарой?

Жавоб ҳам топила қоларди. Дадаси, 1893 йили туғилган Мирзааҳмад Отақўзи ўғли сўзамол, ақлли эди. Кўп нарсаларни гапириб берарди.

— Отақўзи бувининг дадалари Иброҳимжон асли қўқонлик бўлганлар. Бувайдадан. Саройликлар ўтган асрнинг биринчи чорагида, яна баъзиларнинг айтишларича, тахминан 250 йил бурун Қўқоннинг Қумбосди Сарой қишлоғидан келиб, бу ерга ўрнашиб, ўтроқлашганлар. Деҳқончиликда рўзгор тебратдик. 17 йил раис бўлиб ишладим. Қирғинбаротларни кўрдик. Минг шукрки, рўшноликларга ҳам етдик...

Турдиали 1930 йили 30 декабрда дунёга келди. Ёшликдан билимга чанқоқ бўлиб ўсди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ пухта билим олди. Ўқитувчилар етишмасди. Андижон ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаб, 16 ёшида ўқитувчиликни бошлади. 1946 йили эса Фарғона Давлат педагогика илмгоҳининг тарих ва жўғрофия қуллиётига ўқишга кириб, 1950 йили тамомлади. Имтиёзли диплом олди. Шунинг ўзиёқ билимдонлигига берилган аъло баҳо эди.

У йигирма ёшида собиқ Холдевонбек туманидаги 1-мактабда ўқитувчи, сўнг директор бўлди. 1952—1953 йиллари халқ маорифи бўлими бош нозирлигига тайинланди. Ундан сўнг 9-мактаб директорлигига сайланди. 1956—1957 йиллари ҳозирги «Сардор» жамоа хўжалиги бошқарув раиси лавозимида фаолият кўрсатди. 1958 йили туман халқ маорифи бўлими мудирлигини қабул қилиб олди ва уни чорак аср жонкуярлик, куюнчаклик билан бошқарди. Унинг даврида туман билим масканлари вилоят ва олтин водийнинг ўзига хос тажриба мактабига айланди. Қўплаб мактаблар, болалар боғчалари қурилди. Уларнинг маърифат ва маънавият сарчашмаларига айланишида устознинг хизматлари жуда катта бўлди. Унинг баракали меҳнатлари муносиб тақдирланган: Узбекистон халқ маорифи аълочиси нишони, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонларига сазовор бўлган, ҳукуматнинг орден ва нишонлари билан тақдирланган.

У ўқитувчиларнинг III-IV-V-VI қурултойларида шаҳрихонликлар қаторида иштирок этган. Кўп марта турли анжуманларда сўз олган.

— Турдиали ака сўзга чиқдими, албатта, бирон янгиликни кутаверинг, дер эдилар.

Олтин кузнинг ёркин кунларидан бири эди. Машҳур муаллим Мамажон Абдурасулов олти ёшли болалар синфини қабул қилиб олди.

— Олти ёшлиларнинг қувваи ҳофизаси (хотираси) кучли бўлади. Улар олган билим мармартошга чекилган нақшлардек ўчмас бўлиб қолади, — деб башорат этганди Турдиали Мирзааҳмедов ушанда. Сўнг гап нишаби услубий жиҳатларга бурилганди. Бунинг сархил меваларини бугун кўриб турибмиз. Ўқитувчилар август анжумани давом этарди. Минбарда — сипо, дилкаш мудир.

— Орамизда бир салоҳият бор. Ҳали кўп совринлар унда кетади, — деб умид билдирганди устоз. У 21-мактабнинг жўғрофия ўқитувчиси Келдибой Жежановни назарда тутганди. Дарҳақиқат, Келдибой жуда машҳур бўлиб танилди. Малакали муаллим, Узбекистон халқ таълими аълочиси бўлди. Унинг раҳбарлигидаги мактаб энг намунали мактаблардандир.

... Илк баҳор кунлари эди. Боғдаги серфайз саҳндаги дилкушо гурунгда шундай деб қолдилар:

— Муаллимнинг раҳбарлик лаёқати ва маҳорати Маъмуржон маънавиятининг гултожидир.

Бу Маъмуржон Маъдиевнинг истиқболига ташланган ўткир ва қадрдон нигоҳ самараси эди.

... Қаҳратон қиш чилласи эди. Ёмғир шивалаб ёғарди. Аралашиб қор учқунларди. Ўқувчилар шийпонда қалдирғочнинг болаларидек тизилган эдилар. Таҳликали, ваҳимали гап тарқади:

— Раис келяпти. Ҳамма — далага...

Раиснинг ёнида мудир ҳам бор. Гап лўндасига кўча қолди:

— Тухтанглар, қайтинглар. Сал ёмғир тинсин. Пахта қиммат. Лекин, соғлиқдан қиммат эмас. Керак бўлса, мана мен жавоб бераман.

Турдиали аканинг бу сўзларни айта олиши учун катта журъат талаб этиларди. Раис ўзгача қараш қилди. Лекин, нимагадир индамади. Бундан мададланган Ҳабибулло Абдураҳмонов улар кетган заҳотиёқ қатъий: — Жавоб, — деди. Ўқувчиларнинг елкаларидан тоғ қулагандек бўлди.

Одамлар юрагида маънавият боғларини яратиш Турдиали Мирзааҳмедовнинг ажойиб ҳаёти мазмуни эди. Унинг шогирдлари шу қадар кўпки, сафларининг ниҳояси кўринмайди... Мана беш йилдирки, устоз шогирдлари даврасида жисман йўқ... Лекин:

Нур тараб турарлар қалби қўридан
Асло тўхтамайди ҳақиқий илҳом,
Шогирдлар қалбида, тафаккурида —
Устознинг ишлари этади давом.

... От ўрнини той босади. Отасининг хайрли ишларини фарзандлари улуғламоқдалар. Низомиддин — машҳур, серсаҳоват фермер бўлиб танилган. Шаҳодатхон — муаллима, Шаҳзодахон — тарбиячи, Шоҳидахон — ўқитувчи. Уларнинг қалб зиёси ҳам кўпларни баҳраманд этмоқда. Назаримда, Турдиали ака бахш этган зиё мангу чақнаб тургандек туюлади.

Машраб РАҲМОН АЛИ,
Республика ижодкор зиёлилари анъанавий анжумани иштирокчиси. Шаҳрихон тумани Хўжаобод қишлоғи.

Yangi alifboni o'rganamiz

ҲАРФЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини кенг тарғиб ва ташвиқ этишда фидойилик кўрсатиб келаётган олимларимиздан бири, филология фанлари номзоди, доцент Суннатулла Ризаевнинг яқинда «Ҳарфлар нима дейди?» номли янги ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди.

Қўлланма кирилл алифбосидан хабардор бўлган китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, унда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси сирасидаги ҳар бир ҳарфнинг босма бош (катта) ва кичик шакллари, ҳарфларнинг номи, ўзбек-кирилл ёзувидаги қайси ҳарфга тўғри келиши ҳамда ҳарфларнинг сўзлар таркибида иштирок эта олиши, ёзилиши ва кўриниши шеърий мисраларда ва расмларда ўз ифодасини топган. Бунда Раҳим Жуманиёзов шеърларидан фойдаланилган.

Қўлланманинг энг муҳим томонларидан бири ўзбек-кирилл матнлари билан ўзбек-лотин матнлари айнан, қиёсан келтирилиши орқали янги алифбо ва имлода битилган матнларни бирмунча тез ва осон ўзлаштириб олишимиз мумкин.

«Ҳарфлар нима дейди?» номли рисола янги ўзбек-лотин алифбосида битилган матнларни ўрганувчи кенг китобхонлар оммаси учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Дурдона ҚОДИРОВА,
Юнусобод туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси.

Қуйида «Ҳарфлар нима дейди?» ўқув қўлланмасидан парчалар берилмоқда.

P П

Pp

pe

paxta 15

Sh Ш

Sh sh

she



shaftoli 27

«П» НИМА ДЕЙДИ?

Парвоз ҳамда парвонада,
Пайванд билан паймонада,
Панж, пиёла ҳам паргор'да,
Пайғамбар, парвардигорда,
«П» барида посбон турур,
«П»сиз қолса пайхон бўлур.
1. паргор — циркуль.

«PE» NIMA DEYDI?

Parvoz hamda parvonada,
Payvand bilan paymonada,
Panj, piyola ham pargorda,
Payg'ambar, parvardigorda,
«P» barida posbon turur,
«P»siz qolsa payxon bo'lur.

«Ш» НИМА ДЕЙДИ?

Шоҳ шуҳрати ҳам шери,
Шоҳимардон шамшири,
Шукр, шукрона, шудгор,
Барчасига «Ш» даркор,
Шерзод, Шаҳло «Ш»дан шод,
Шўҳдир улар ҳам шаддод.

«SHE» NIMA DEYDI?

Shoh shuhrati ham sheri,
Shohimardon shamshiri,
Shukr, shukrona, shudgor,
Barchasiga «she» darkor,
Sherzod, Shahlo «She»dan shod,
Sho'xdir ular ham shaddod.

Kasaba uyushmalari hayoti

ЎҚИТУВЧИЛАР ҲИМОЯДА

Сурхондарё вилоятида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмиталарининг фаолияти қандай кечмоқда?

Вилоят халқ таълими бошқармаси, бўлимлари ва тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган халқ таълимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишни кучайтириш борасида 1997 йилги режаларнинг уддаланиши умуман чакки эмас.

Вилоятда тармоқ ходимлари ижтимоий ҳимояланган. Имтиёзлар қўл келмоқда. 7047 нафар ўқитувчи давлат, 404 нафар ўқитувчи эса ташкилот ва муассасалар уйларини хусусийлаштириб олдилар. Шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратиб берилишига 4938 педагог эришди.

Қурилиш материаллари сотиб олиш учун давлат томонидан қарз (ссуда) 332 нафар педагог ходимга олиб берилди.

Вилоятнинг 16 шаҳар ва туманларида ҳамда барча бошланғич ташкилотларда президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи гуруҳлар тузилган. Мазкур гуруҳларнинг иш фаолияти, айниқса, Термиз ва Денов шаҳарларида, Шўрчи, Узун, Шеробод, Музробод, Бойсун туманларида, Термиз давлат университети ва Термиз политехникумида яхши йўлга қўйилган.

Ушбу гуруҳларнинг фаолиятлари туфайли Термиз ва Денов шаҳарларидан 2100 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар шаҳар транспортидан бепул фойдаланмоқдалар, 17386 нафар педагог ходим ва тарбиячиларга кўмир ажратиб берилди.

Ҳозирги кунда 19450 нафар педагог ходимларнинг оилалари табиий ғаздан баҳраманд бўлмоқда. 623 ходимга зарарли меҳнат шароитида ишлаганлари учун қўшимча ҳақ тўланмоқда. Жорий йилнинг 18—20 март кунлари «Наврўз» байрами муносабати билан тармоқ ходимларидан ногирон, ночор ва муҳтож фуқароларга хайр-эҳсон қилиш мақсадида вилоят касаба уюшмаси қўмитаси 75100 сўм дивиденд ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари: ун, чой, ёғ, шакар, гуруч ҳарид қилиб, 100 та оилага тарқатди.

1997 йилда тармоқ ходимларини, уларнинг фарзандларини ҳамда талаба ва ўқувчи ёшларнинг соғлиғини тиклаш мақсадида вилоятдаги 104 та мактаб қошида болалар оромгоҳлари ташкил қилиниб, уларга 10000 бола жалб этилди.

Шеробод туманининг ёш табиатшунослар экологик маркази 1992 йилдан буён фаолият кўрсатаяпти. 1997 йил ёзида марказ қошида «Семурғ» ўқувчилар оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда 100 нафар ўқувчи икки сменада дам олади. Оромгоҳлар биринчи сменаси ўз ишини бошлаган, болалар ёзнинг энг иссиқ кунларини завқ-шавқ ила шу ерда ўтказадилар.

Шеробод туманининг ёш табиатшунослар маркази педагогика кенгашида қушчилик, гулчилик, ғаллачилик, ўлкашунослик тўгаракларини базаси даромад топиш йўлларини изламоқда. Улар ҳар йили 350 дона гул кўчати, 250 дона арча кўчати, 500 туп қора ёғоч дарахти кўкартириб сотишни ва лимонария иссиқхонасидан 800 дона лимон ҳосилини янги йил арафасида педагоглар байрам дастурхонига етказиб берди. Шу йилнинг 6 ойида 10500 сўм соф даромад олинди. Бу пуллар марказ ободончилиги учун ҳамда у ердаги 100 га яқин турли сайроқи қушлар парваришига сарфланяпти.

Денов туманидаги 24-мактаб жамоаси 1996 йилда ўз тажриба участкасидан 76 минг сўм соф даромад олиб, 42 минг 500 сўмини мактабни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун сарф қилди. 24 ўқитувчига касаба уюшмаси қўмитаси қарорига асосан 500 сўмдан моддий ёрдам, 8 та ўқувчига аъло баҳолари ва намунали хулқи учун ойига 100 сўмдан стипендия берилган. Бу йил эса 3200 туп терак қаламчаси етиштирилди. Мактабнинг 0,10 сотих тажриба участкасига пиёз экилиб, 8600 килограмм пиёз етиштирилди. 0,45 сотихига буғдой экилган, уни ўриш давом этяпти, яна 0,45 сотих ерга эса уруғлик учун макка дони экилиб, яхши парвариш қилинмоқда.

Умуман олганда, Денов шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси ва халқ таълими бўлими ўртасидаги олиб борилаётган ишлар натижасида 1996 йилда ўқитувчи ва тарбиячиларга 20 тонна шелуха, 10 тонна кунжара олиб берилди. 3 тонна пахта мойи ўқитувчиларга давлат нархида сотилган. Қаерда тадбиркор, ишбилармон кишилар меҳнат қилишар экан, ана шу ерда меҳнат қилаётган ўқитувчи ва билим олаётган ўқувчилар яхши ҳимоядадир.

Юртбошимиз фармонларининг айрим бандларини бажаришда, хусусан мактаб ўқитувчиларининг транспортда бепул юриш имтиёзини тўлиқ қондиришда, ўқитувчиларга ёқилғи учун товон пулларини тўлашдаги муаммоларни ижобий ҳал этишда вилоят, туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталарининг аралашуви, фидойилиги керак.

Ю. АҲМЕДОВ,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг бош мутахассиси.

ФИТРАТ — САНЪАТШУНОС

Фитратнинг санъат ҳақидаги қарашлари унинг дастлабки назарий китоби «Адабиёт қоидалари»да (Т—1995,20—21 бетлар) қисқача баён этилган эди. Унда санъатга, ҳар қандай мафкура, ҳар қандай қотиб қолган назариялардан ҳоли, мутлақо индивидуал фалсафа асосида таъриф берилади. Бундай қарашнинг ўз вақтида қатъий эътирозларга учрагани ҳам илм аҳлига маълум. (Бу ерда Ойбекнинг «Адабиёт қоидалари»га ёзган тақризи назарда тутилмоқда (Қизил Узбекистон, Т., 1926 8 декабрь) Санъат ҳақида шундай фикрларни ривожлантириш, балки мазкур танқидий мулоҳазаларга жавоб тариқасида, Фитрат томонидан, «Санъатнинг маншаи» (келиб чиқиши) номли каттагина тадқиқот-мақола эълон қилинди.

(Қаранг: «Маориф ва ўқитувчи, ж., 1927, 5-сон)

Мақолада бош масала қилиб, санъатнинг келиб чиқиши олинган бўлса-да, у моҳият эътибори билан санъат нима деган саволга ҳам жавоб беради. Шу нуқтаи назардан тадқиқот танқидий фикрларга жавоб сифатида ҳам ёзилди деган фикр шунчаки фараз эмас.

20-йилларда санъат хусусида баҳс этувчи чиқишлар у қадар кўп бўлмаган кўринади. Баъзи бир ҳорижий олимлардан қилинган таржималарни назарда тутмаганда (бу ерда «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1926 йил 5-сонида нашр қилинган «Санъат тўғрисида бир неча сўз» номли мақола кўзда тутилмоқда. Ушбу мақола бошида (сарлавҳа остидан): «Муҳаррир: Н. мутаржим: Р. М.», деб ёзиб қўйилган) (бошқа жиддий тадқиқотларга дуч келмадик. Шу маънода Фитратнинг мақоласи бу йўлда қилинган дастлабки ва энг жиддий иш сифатида баҳоланишга лойиқ.

Мақоланинг яна бир муҳим томони — унда Оврупо ва бошқа минтақа санъатшуносларнинг фикрлари келтирилиши, уларга муносабат билдирилишидир. Худди шу муносабат, баҳсу эътирозлар натижаси ўлароқ, Фитратнинг кишилик жамияти тараққиёти жараёнлари, тил, санъат ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари хусусидаги эстетик, фалсафий қарашлари майдонга чиқади.

Фитрат томонидан баҳс доирасига тортилган масала — бошқа олимларнинг санъати «диний туйғулар таъсири остида пайдо бўлди», деган фикрларидир. Олим ушбу фикрларга эътироз билдириб, санъатнинг пайдо бўлишида ҳеч қандай диннинг таъсири йўқлигини, балки санъатнинг маншаи инсонларнинг тўрмуш тарзи, яшаш шароити, моддий аҳволи натижаси бўлиб, ушбу жараёнда юзага келганини исботлашга уринади. Масалан, у рақс санъатининг пайдо бўлиш сабабини инсонларда (ҳатто ҳайвонларда рўй берадиган ғайришуурий (инстинкт) ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда тушунтирадики, бу фикрда асос бор.

Тилнинг пайдо бўлиши ҳақида у шундай ёзади: «Бурунги одамларда бу кунги маъно билан «тил» (сўзлаш) ҳам бўлмаган... «оҳ-уҳ», «ҳайт-ҳуйт» каби иш чоғида чиқарилган товушлар билангина ўзларининг баъзи руҳий ҳолларини ифода қилганлар. Сўнгра ўз теграларида юрган ов ҳайвонларидан ёки турли йиртқич жониворлардан бир-бирига хабар бермоқ учун, бу товушлар бошдан ниманинг, қайси ишнинг рамзи бўлмоғи эдилар, бора-бора, такрор этила-этила шул нарсанинг, мана шул ишнинг исми бўладир.

Мана шундай бўлуб, одамларда энг биринчи сўзлар иш, меҳнат, ўзини сақлаш (яшаш учун кураш — У. Ж.) натижасида майдонга келган. Муаллифнинг фикрича, яшаш учун кураш ва меҳнат жараёнида аввало тил, кейинчалик адабиёт («халқ ашулалари» — Фитрат) пайдо бўлган.

Юқорида эслатиб ўтганимиз «Адабиёт қоидалари» китобида санъат тўғрисида асосан, шахсий мулоҳазалар билдирилган. Бу мақолада муаллиф фикрида аллақандай ўзгариш рўй бергани, унинг ўз фикрларини қандайдир мавжуд назарияга таянган ҳолда билдираётгани сезилиб туради. Яшаш учун кураш, кишилик жамияти тараққиётида меҳнатнинг аҳамияти ва бу каби бошқа қарашларнинг олдинга сурилиши — буларнинг ҳамма-ҳаммаси материалистик дунё қарашнинг, социалистик назариянинг Фитрат тафаккуридаги зуҳури эмасмикан? Бундай хулоса чиқаришимизга асос бор. Чунки Фитрат 26-йилларнинг ўрталарида Москвада яшаган эди. Олимнинг у ерда материалистик назариянинг ўрганганлиги, марксча таълимотдан таъсирланганлиги ҳақиқатга яқин. Ҳар ҳолда — бу ростакамига таъсирга тушиши ёки муҳит юклаган мажбуриятми? Бу ҳақда бир нарса дейиш қийин.

Фикримиз салмоқлироқ бўлиши учун яна бир характерли мисол келтирамиз. Фитрат мақола давомида ўз мубоҳисларининг фикрларини инкор қилар экан, бир неча бор рақс, мусиқа: меъморчилик, тил ва адабиётнинг пайдо бўлиши, диннинг пайдо бўлишидан илгари эканини, булар кўпроқ инсон ёввойилик даврининг маҳсули бўлганини таъкидлайди. Бу ҳам материалистик (моддиюнчилик) дунёқарашининг «олдин материя, сўнг онг» деган гипотезасига анчайин мос келади.

Фитратнинг мубоҳислари санъатнинг пайдо бўлишини мифологик (инсоннинг табиат олдидаги ожизлиги туфайли худо яратиши) қарашлар асосида тушунтирадилар. Улар ҳам «олдин материя» деган фикрни ўзгачароқ тарзда илгари сурадилар. Шу маънода ушбу баҳсни бир танадаги икки қўлнинг ўзаро курашига қиёс этсак, хато қилмаймиз. Аммо Фитратнинг баъзи фикрлари мухолифларнинг фикридан анчайин устунроқ, анча салмоқлироқдир.

Бугунги кунда инсоният тафаккурида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Илм-фан энг юқори даражада бўлган мамлакатларда ҳам, одамнинг пайдо бўлиши, улар бир ота, бир онадан эканлиги исботини топмоқда. Инсоният аждодининг маймун эканлиги, унинг меҳнат «шарофати билан» одамга айланганлиги замонавий афкор омма ўртасида истеҳзоли бир кулги қўзғатмоқда. Демакки, Қуръони Каримдаги ушбу илоҳий калималар исботини топди. Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм:Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (ҳавони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз!» (Нисо сураси, 1-оят). Шундай экан, инсон тафаккури ва тилининг пайдо бўлиши ҳам ўз-ўзидан бошланган ва, бизнингча, шу оят билан боғлиқ. Бисмиллоҳир-роҳманир-роҳим: «У зот Одамга барча нарсаларнинг номини ўргатди». (Бақара сураси, 31-оят). Бундан кўринадики, инсониятнинг яратилиши-ю унинг камолоти ва ҳатто таназзули ҳам махлуқот ихтиёридан ташқаридадир.

Ҳали тилшунослик, санъатшунослик ўзининг юқори чўққисига чиқмаган, уларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли-туман чалкаш фикрлар, баҳслар давом этмоқда. Бир улуғ уламо айтган экан: «Дунёвий илмда нимаики тўғри бўлса, у Қуръони Каримга мос келади». Иншооллоҳ, тил, адабиёт, санъат фанларида ҳам Қуръон оятларига мос келадиган кашфиётлар яралиб қолар. Абдурауф Фитратнинг ушбу мақоласи эса шундай кашфиётлар сари бўлаётган изланишлар жараёнининг меваси, холос.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
ТошДУ аспиранти.

РАҚСИМ - ЖОЗИБАМ МЕНИНГ

Жажжигина қизчанинг қувончи ичига сиғмай рақсга тушаётганини кўриб, ўзингизнинг ҳам қалбингиз қувончга тўлиб кетади. Қизалоқнинг бутун вужудини қамраб олган, уни шодликка буркаб ташлаган, ҳар бир ҳаракати билан барчага қувонч бахшида этаётган жозиба нима?.. Ҳа, бу рақс.

Когон туманининг 3-маданият уйи ходимлари жажжи қизалоқларнинг рақсни жон-дилдан севишини билади. Шу боис улар шаҳардаги 14-болалар боғчасида «Кимнинг рақси чиройли» номи билан танлов ўтказди. Бир-биридан чиройли рақслар, ижроси барчани ҳайратга солди. Айниқса, болалар қувончини айтмайсизми? Гўё боғча эмас, муъжизалар мамлакатининг болалар боғи бўлди-қолди. Рақсга тушаётган қизалоқларнинг самимий табассуми бутун борлиқни нурга тўлдирди гўё. Узининг жозибали, чаққон рақси билан Гулноза Наврўзова, Наргиза Шаропова, Дилафрўз Салимовалар танлов ғолиблари деб топилди. Уларга маданият уйи вакиллари ўзларининг эсдалик совғаларини топширди.

Дилмурод ЖАББОР.

МИЛЛАТНИ ИСТЕЪДОДЛИ МУАЛЛИМЛАР ҲАМ ТАНИТАДИ

(Боши 1-бетда).

Абдуназаров десам унчалик муболаға бўлмас. У Юнус Ражабий номидаги Тошкент вилоят мусиқа билим юртида ўқитувчи. Талабаларга фортепьянодан дарс бериш баробарида ўз устида тинмай изланади. Ёш бўлишига қарамай анча-мунча муваффақиятларга ҳам эришган. Яқинда катта бир ютуғидан хабардор бўлиб Р. Абдуназаров билан яқинроқ танишишга жазм қилиб у билан учрашдик.

Дарвоқе, қандай муваффақият ҳақида гап кетаётганлиги сизларни қизиқтириши табиий.

У шу йилнинг май ойида Италиянинг Ламезио Терме шаҳрида ўтказилган фортепьяночиларнинг халқаро танловида қатнашиб фахрий диплом билан тақдирланганди.

Ҳаммани ҳам тан олавермайдиган буюк талантлар, айниқса донгдор мусиқачилар юрти Италияда, яна дунёнинг Америка, Англия, Франция, Корея, Аргентина, Россия каби кўпгина мамлакатларидан ташриф буюрган моҳир мусиқачилари билан ғолибона беллашиб совриндор бўлиш ўз-ўзидан бўлавермайди.

«Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ...» деб Навоий бобомиз ҳам бекорга айтмаган. Бу ютуқнинг моҳиятини англаб олиш мақсадида уни саволга тутдим.

— Мусиқачи бўлишингизга, айнан фортепьянони танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Мусиқачилик менга қон билан кирган десам тўғрироқ бўлади. Отам ҳам, онам ҳам мусиқа соҳасининг одамлари. Бошқа касбни танлашни тасаввур ҳам қилолмайман.

Фортепьянога келсак қандай қилиб ўзига ром қилиб олди, билмайману, лекин 5 ёшимдан уни қизиқиб чала бошлаганман. Унга бўлган қизиқиш мени Успенский номидаги мусиқа мактабига етаклади. Уни тугатиб, 1990-95 йилларда Тошкент Давлат Консерваториясида таълим олдим. Ҳозирда мусиқа билим юртида дарс бериш билан бирга консерватория аспирантурасида ҳам ўқияпман.

— Сиз мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрнига қандай баҳо берасиз?

— Ўзимни мисол қилиб гапирадиган бўлсам, мусиқа ҳаётимнинг мазмуни, шу туфайли ҳаёт менга мазмундор.

Мусиқа туфайли болаликдаги ўйинқароқликлару йигитликдаги бекорга ўтадиган маишатбозликлар менга бегона. У инсонга шундай кучқудрат бағишлайдики, ҳаётдаги айрим қийинчиликлар ҳам унчалик билинмайди.

— Энди бевосита Италияда эришган муваффақиятингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Мен олдинлари ҳам бир қанча танловларда иштирок этганман. 1995 йилги Ашгабат танловида диплом ҳам олганман. Лекин бу сафаргиси ўзгача бўлди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган 200 га яқин энг сара фортепьяночилар ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Шулардан фақатгина 4 кишига ҳал қилувчи босқичда қатнашиш бахти насиб этди, жумладан менга ҳам.

— Келажак режаларингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Мақсадим битта. Шу йўлни танлаган эканман, унинг сирли оламига бутунлай ғарқ бўлиш.

Насиб этса шунақа танловларда қатнашиб юртимиз шаънини қўлдан келганча ҳимоя қилиш. Яқинда Франция, Испания каби мамлакатларда ўтказиладиган танловларда ҳам қатнашиш истакларим йўқ эмас. Фақат анча қийинчиликлар туғдираётган ҳомийлар масаласи ижобий ҳал этилса. Демоқчиманки, менинг Италияга бориш-бормаслигим ҳам маблағ туфайли, жўнаб кетгунимча номаълум эди. Бу сафар ҳам ўз ёрдамини аямаган «Совпластиталь» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори А. Мелкумовдан самимий миннатдорман.

Ҳа. Миллатимиз ичида яшириниб ётган истеъдодлар қўллаб-қувватлашга муҳтож. Суҳбат давомида шу нарсанинг яна бир бор гувоҳи бўлдимки, катта талант эгалари бўлган ўзбеклар камтар бўлишади. Замон иллатга айлантирган бу фазилат уларга кўпинча панд бериб қўймоқда.

Тўғри, Президентимиз томонидан иқтидорли ёшларга катта эътибор бериляпти. Уларни қўллаб-қувватлаш учун жамғармалар ташкил этилди.

Лекин ҳар нарса учун ҳам давлатдан умидвор бўлавериш тўғри эмасда. Ахир қўша-қўша машиналар минаётган, данғиллама саройлар қураётган бойларимиз ҳам кам эмас-ку. Агар улар озгина эътиборини шу нарсаларга қаратсалар эди миллат учун катта иш қилган бўлардилар. Негаки, Италияда фақат Равшаннинг эмас Ўзбекистоннинг номи тилга олинди, унинггина эмас, ўзбек миллатининг ҳам истеъдоди эътироф этилдику.

Рустам БОЙМАТОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Ko'ngil bitiklari

ЙИРОҚЛАРДАСАН

Нурдай эшиламан сенга қарасам,
Умидли қуртақдай гуллаб кетар жон!
Қуёш нурларидек сочинг тарасам,
Дилимда қолмагай заррача армон!
Аммо, нетай, сенга етмоқ кўп мушкул!
Ёруғ юлдузим, эй, йироқлардасан,
Сен — мен излаётган энг муқаддас йўл,
Сен — мен тополмаган бўёқлардасан!

Болибой ЖЎМАРТОВ,
Челак тумани.

ОНАНГ УЙДАМИ

Шундоқ бир айланиб қайтсак кўчани,
Болалар югуриб чиққанда ҳар гал,
Қайсидир донишманд ўргатган каби
Онанг уйдами деб сўраймиз аввал.

Уйдан йироқ кетиб тутаса охир,
Қирқ ўрим соч каби узун бир сафар,
Ҳали дарвозани чертмай бесабр,
Онанг уйдами деб сўраймиз аввал.

Ҳамидулла АРСЛОНОВ,
Уйчи тумани.

...ГА

Яна ёдга олдим мажолсиз,
Кўзларимдан оқмайди ёшим.
Сени дердим мен фақат ёлгиз,
Тугаб биттан танда бардошим.

Сени дея яралган юрак
Ёришмайди ёқса-да чироқ.
Йиғлар энди мен учун фалак,
Укиради момақалдироқ.

Чаманлардан қувонмас кўзим,
Номинг тилда юракда ғулу.
Ўзинг эдинг ёруғ юлдузим,
Овутолмас ҳеч қандай сулув.

Шермуҳаммад БОСИМ,
ўқитувчи.

ТЎРТЛИКЛАР

Сиз билан биз янгиликмас дунёга асли,
Ғузалликдан чирой очди йигитлик фасли.
Тошқинию, тўлқинлари солғай ҳаяжон —
Бу тириклик мазмунин сўр, то ҳануз баҳсли.

***

Ўзга бир Ватан ватанлик қилмас,
Ўзга бир кафан кафанлик бўлмас.
Ўз дардингни қўй, сўйла элингдан —
Оҳига етган — ўлса-да ўлмас-!

Дилмурод ХЎЖАҚУЛОВ,
Сирғали тумани.

ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ

Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган Алишер Навоий номидаги ўрта мактабда ушбу илм масканини 1977 йилда тугатган собиқ битирувчи синф ўқувчиларининг учрашуви ташкил этилди. Унда мактаб директори Р. Холова, устозлардан Ф. Афтоқова, М. Эргашева, Хонобод жамоа хўжалиги раҳбари Т. Шодиев, собиқ битирувчи синф ўқувчиси, Баҳористон туманидаги балиқчилик давлат хўжалиги раҳбари И. Раҳмонов ва бошқалар дил сўзларини баён этдилар. Шўх куй ва дилрабо қўшиқлар кеча иштирокчилари қалбларига завқу шавқ бағишлади.

Учрашув сўнгида собиқ ўқувчилар қадрдон мактабларига ҳамда устозларига гуллар ва совғалар тақдим этишди.

Ж. ХУСАНОВ,
Д. САЛОМОВА.

Ҳайвонот боғи — болаларнинг севимли томошагоҳларидан бири.

Xullas...

ХОРИТОНОВНИНГ ХОҲИШИ

Свердловск вилояти Байкалово қишлоғидаги мактаб-интернатнинг еттинчи синф ўқувчиси Иван Хоритонов милицияга сим қоқиб маҳалласидаги гастрономга ўғирлик қилганини, бемалол қамоқхонага тушишга тайёр эканлигини айтди. Ички ишлар органи ходимлари Ванянинг гапларига ишонишмади. Шундан сўнг «виждонли ўғри» ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, гастрономда текширув ўтказилди ва... Ванянинг айтганлари тасдиқланди. Устига устак, И. Хоритонов милиция ходимлари олдига ашёвий далил сифатида чўнтагидан бир неча «Сникерс» шоколади, икки пачка «Мальборо» сигарети чиқариб қўйди. Ички ишлар ходимлари бу ғалати ўғридан нега бунчалик қамоққа ошиқаётганини сўрашганда, Ваня «у ерда яхши боқишармиш», дея жавоб берди...

НОЁБ БОЛА

Перу пойтахтидаги университетнинг энг йирик аудиторияси тингловчилар билан лиқ тўлди. Чунки мамлакатдаги таниқли олим Диего Утор тиббиётга оид маъруза қилиши керак эди. Бироқ тингловчилар ғоят қизиқарли маъруза тинглаш учунмас, балки таниқли олим Диегонинг ўзини кўриш ниятида йиғилишганди. Чунки ҳаммани қизиқтирган, таажжублантирган бу олим... эндигина 7 ёшга тўлганди! Ҳа, Диего Утор ноёб қобилиятли, ноёб бола чиқиб қолди. У ҳали гўдак ёшида бўлишига қарамай, тенгдошлари қатори ўрта мактабга қатнашдан ташқари тиббиёт, математика билан ҳам жиддий шуғулланиб, неча-неча олимларни ўз билими билан қойил қолдирган.

Дарвоқе, ўша куни тингловчилар тиббиётга оид маърузадан сўнг, маърузачи Диего Утор ижросида Бетховен, Верди музикаларидан тинглашди.

КЎРПАГА ҚАРАБ ОЁҚ УЗАТИНГ

Ўйқса калифорниялик Гилберт Гутереснинг аҳволига тушиб қолишингиз мумкин. Гилберт шоввоз босмахонадан ишдан ҳайдалгач, қалбаки қоғоз пуллар ишлаб чиқаришни ўйлга қўймоқчи бўлди. Бироқ кўзи рангларни яхши ажратолмаганлиги боис яшил бўёқ ўрнига қора бўёқ билан босган. Уни дарҳол қўлга олишди.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

КИМ ЗЎР?

Бутун жаҳон теннис ассоциацияси теннисчиларнинг баллар бўйича янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унингча, эркаклар ўртасида ҳамон америкалик Пит Сампрас пешқадамлик қилмоқда.

Аёллар ўртасида эса швейцариялик ёш теннисчи Мартина Хингис биринчи ўринга чиқиб олди.

ЖАНОБЛАР ЖАНОБИ

Новгород шаҳрида шоҳмат бўйича «Господин Великий Новгород-97» анъанавий халқаро турнири якунланди.

Дунёнинг етакчи гроссмейстерлари иштирок этган ушбу турнирда Гарри Каспаров ҳануз ўзига тенг келадиган рақиб йўқлигини яна бир бор исботлаб бош совринни қўлга киритди.

СЕНГА ОМАД, АРТУР!..

Профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони, юртдошимиз Артур Григорян яқинда яна рингга чиқадиган бўлди. Чемпионлик унвонини ҳимоя қилиш учун у бу сафар англиялик Майкл Айэрос билан «жанг»га киришади.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШМОҚДА

Намангганнинг «Навбаҳор» ва миллий терма жамоамизнинг моҳир ҳужумчиси Олег Шацких чемпионат, кубок ўйинлари ва Осиё кубоклари баҳсларида 100 талан кўп тўп киритган мамлакатимизнинг биринчи футболчисидир. У яна бир довонни забт этиш арафасида. Кўплаб футбол мухлислари ҳам унинг фақат миллий чемпионатимиз ўйинларида киритадиган 100-чи голини кўриш иштиёқида. Ҳозирча 97 таси нақд.

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашувини ҳамюртларимиз сафарда Камбоджа терма жамоаси билан ўтказишди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган беллашувда футболчиларимиз камбоджаликларни 4:1 ҳисобида мағлуб этди. Тўпларни Равшан Бозоров (2 та), Жафар Ирисметов, Шуҳрат Мақсудовлар киритишди. Энди миллий терма жамоамиз 13 июль куни Тошкентда Яман футболчиларини қабул қилади.

Яқинда М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг катта залида В.Успенский номидаги Республика ўрта махсус болалар мусиқа мактаб-интернати ўқувчилари ва консерватория талабаларининг бадиий чиқишлари бўлиб ўтди. Концертда «Ўзбекистон солистлари» давлат камер оркестри жўрлигида таниқли устоз скрипкачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Н. Мендельсон шогирдлари якканавозлигида мумтоз композитор А. Вивальди асарлари янгради.

Скрипкачилар юксак ижрочилик маҳоратларини намойиш этдилар. Навқирон ижрочиларнинг бу ютуқлари замирида бевосита кимнингдир серҳаракат ижодий изланишлари ётади. Кеча қатнашчиларининг кутаринки ижодий кайфиятларига уларнинг ижро пайтларида саҳнада устозлари ҳам ёнма-ён бўлганлиги яна бир сабаб бўлди.

Хуллас, келинг, бу сафар ўтган концерт хусусида эмас, шу хил тадбирларнинг, кечаларнинг муаллифи, таниқли скрипкачи Н. Мендельсон ҳақида бир-икки оғиз сўз айтайлик.

Бугунги концертнинг бадиий савияси ҳақида гапирарканмиз, ўзбек скрипкачилар мактабининг муваффақиятлари охирги ўн йил давомида республикамизда номи танилган Н.Мендельсон шахси билан боғлиқдир. У ўз ўқитувчилари Н.Бро-

...БИР ОҒИЗ СЎЗ

нфманлардан меҳнатсеварлик, ижро этиладиган асарларнинг бадиий мазмунини чуқур ўзлаштириш каби хусусиятларни ўрганди. Мендельсонни ўқиб юрган йилларидаёқ ўқитувчилик касби қизиқтирарди. Қисқа муддат ичида у педагогик сирларни кашф этолди.

Ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш асосида иш олиб борадилар. Лекин Мендельсон бунга ўзига хослик билан қарайди.

У ҳар қадамда ўқувчининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда услубий таъсир кўрсатади. Бу услуб ўз натижаларини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Мендельсон шогирдлари қаторида Италияда ўтган халқаро скрипкачилар танлови совриндори В.Черномор, Бутуниттифоқ ижрочилар танлови ғолиби М.Кибардин, Испанияда ўтган халқаро ижрочилар танлови ғолиби Р.Асановларнинг ижодий ютуқлари бунинг исботидир.

Моҳир педагог ўз услубий қарашларини бир неча бор Ўзбекистонда ва чет элларда бўлиб ўтган илмий анжуманларда ҳамкасбларига баён қилган ва муҳокама этган. Хусусан, бир неча бор Германия, Туркия, Грециядa ўтказилган очиқ дарслар, илмий маърузалар билан чиқишлари мутахассисларда чуқур таассурот қолдирди.

Торли-камонли чолғулар ватани бўлмиш Ўзбекистон, бугунги мустақиллик шароитида ўз скрипка маданияти билан дунёга танилишига Мендельсон ҳам ҳисса қўшмоқда.

Абдуваҳоб ҲОШИМОВ.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли ҳамкасбимиз Анорбой ЖАЛҒАШОВ!

Сизни таваллуд айёмингизга 50 йил тўлиши муносабати билан қутлаймиз. Ҳамиша тинчлик-омонлик, оилангизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Оқолтин тумани Мирзо Улуғбек номидаги 7-ўрта мактаб жамоаси.

«ООО Эл БАС» фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Donish chirog'i

ҲАЗРАТ АЛИ ПАНДЛАРИ

Чаҳарёрлардан бири Ҳазрат Али ибн Абу Толиб тўртинчи халифа бўлиб, 656—661-йиллар ораларида халифалик қилганлар. Аммо қўлёзма асарларда бу киши номи билан боғлиқ бўлган бир қанча нақллар, ўгитлар мавжудки, уларда баъзи бир инсоний қадриятлар, фазилатлар, одамийликка кирадиган хислатлар — эзгу ниятлар сақланиб қолган. Бу ўгитларнинг бир қисми ҳозирги кунимизда ишлатиладиган ҳикматли — учирма гапларга айланиб ҳам қолган.

Қуйида у киши ўгитларидан бир қанчаси нақл этилди. Улар эътиборигизга ҳаволадир.

Ҳар ким ўз ишига танбаллик қилса, худо уни бир ғамга дучор қилади.

*

Ёрдам доимо машаққат эвазига келади.

*

Меҳру оқибатнинг ўзи ярим ақлдир.

*

Ғам қариликнинг ярмидир.

*

Эркакнинг қорни унинг душманидир.

*

Яхши иш баракали умр демакдир.

*

Уч нарса ҳалокатга элтади: бахиллик, нафс истаги, худбинлик.

*

Яхши киши билан ўтириш катта ўлжага эга бўлишдир.

*

Киши ҳунари унинг хазинасидир.

*

Нафсинг билан кураш — роҳат топасан.

*

Холис дўстлик аҳд-паймоннинг яхшилигидан бўлади.

*

Разилларнинг давлати — яхшиларнинг офати.

*

Баъзан битта гуноҳ шундай кўп бўладики, унга минг тоатибодат қилиш ҳам озлик қилади.

*

Таъма эрни хор қилади.

*

Болаларим менга риоят қилсин десанг — ота-онангга риоят қил.

*

Ўжарлик кишини кўп машаққатга солади.

*

Дўстни зиёрат қилиш муҳаббатнинг баркамоллигидан дарак беради.

*

Ҳулқи ёмон одамлар тирик мастлардир.

*

Бой кишининг бахиллиги унинг жазосидир.

*

Қари бой киши фақир саҳийдан камбағалроқдир.

*

Ростгўй киши — одамларнинг халоскори бўлади.

*

Сабр-бардош зафар қозонтиради.

*

Киши соғу саломат ва ориятли бўлса, дунёда у бахтли саналади.

*

Қари нодондан кўра доно ёш бола яхши.

*

Узидан айб топган одам — одамларнинг энг яхшисидир.

*

Ҳуҳожўй одам куни ўтаверади.

*

Бетингга айтган рост гаплан ранжидингми, демак, қабоҳат сари қадам қўйибсан.

*

Душман устидан ғалаба қозониш учун ҳам сабру чидам керак.

*

Дил қуввати иймоннинг саломатлигидандир.

*

Кишининг қадр-қиммати — унинг қанчалик хайр-эҳсон қилишига кўра билинади.

*

Юрак соғлиги — қорин тўқлигидан, хотиржамлигидан бўлади.

*

Сахий кофир ҳасис мусулмондан кўра жаннатга сазоворроқ бўлади.

*

Беморлик нуқтаи назардан қаралса, қариликнинг ўзи ҳам етарли бир дарддир.

*

Ҳасад қилувчиларга ҳасаднинг ўзи ҳам ташвишдир.

*

Киши илми етуклиги — унинг юмшоқ-ҳалимлигида бўлади.

*

Қарига ўлим ҳақидаги хабар ҳам етарли қулфат бўлади.

*

Умрнинг ўзида қарилик бўлмаса, ҳасадгўйда — роҳат бўлмас.

*

Илм-фандан сўз бўладиган жой — жаннат боғларидан саналади.

*

Ҳазрати Али фикрича, тезлик ва жиззакилик ҳам эр кишини ҳалок қиладиган нарса.

*

Кишининг нуронийлиги тунда кўпроқ бедор бўлганидандир.

*

Юз нуронийлиги киши табиатидаги тўғриликдан бўлади.

*

Эрнинг ҳиммати — унинг қийматидир.

*

Ҳасадгўй умр бўйи роҳат кўрмай ўтади.

*

Қаноатли кишида — ғам бўлмайди.

*

Аҳди-паймони бўлмаган одамнинг иймони ҳам бўлмайди.

*

Баъзида одам биров билан ҳамсуҳбат бўлгани сабабли бахтли бўлади.

Тўпловчи:
Абдусодиқ Ирисов,
ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Янгийул туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Матлуба АБДУЛЛАЖОНОВА номига берилган таянч маълумот тўғрисидаги А № 058010 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 33-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Икром РУЗИМУРОДОВ номига берилган А-145064 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

«БАТТ» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 99-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Тураев Бахтиер Ботирхонович номига берилган АЕ 513346 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва жамоат ташкилотлари институт психология кафедрасининг мудири, психология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби М. Давлетшинга опаси

Рашида ИСҲОҚОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, туман маориф ходимлари Касаба уюшма қўмитаси, тумандаги С. Айний номидаги 84-мактаб жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан халқ таълими ходими, мактаб директори М. Мирахмедова волидан муҳтарамаси

КУМУШ ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Луқмон БЎРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0451. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6